Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

8 декабрь 1972 йил, жума ◆ № 237 (15.458). ◆Баҳоси 2 тийин.

СУРАТДА: Тошкент ГРЭСининг умумий кўриниши акс эттирилган. Бу нурхона хонадонларимизга, республикамиз пойтахтидаги саноат корхоналарига арзон электр энергия етказиб бераётганлиги билан машҳур.

И. Глауберзон фотоси.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

АНДИЖОН ОБЛАСТИ КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ 1973—1975 ЙИЛЛАРДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети шуни қайд қиладики, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорига жавобан Андижон области колхозлари ва совхозларининг меҳнатчилари чорвачиликни янада ривожлантиришга доир ўз тадбирларини қайтадан кўриб чиқдилар. Область колхозлари ва совхозлари 1971—1975 йилги тадбирларда 1973 йил учун мўлжалланганига қараганда 1973 йилда 26 процент кўп ёки 46,5 минг тонна сут, 42 процент кўп ёки 25,8 миллион дона тухум етиштиришни мўлжаллаб қўйдилар. Беш йилликнинг учинчи йилида гўшт етиштириш 16 минг тоннага етказилади. Сигирлар туёғи анча кўпайтирилади. Уларнинг маҳсулдорлиги оширилади. Ем-хашак экинлари экилаётган майдонларни кенгайтириш ва бу экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси давлатга сотиладиган гўштни планда-гига нисбатан 15 процент, сутни 18 процент, тухумни 25 процент кўпайтириш имкониятини бера олди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Андижон области чорвадорларининг 1973 йил учун олган социалистик мажбуриятини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига 1973 йилда ва беш йиллиннинг бундан кейинги йилларида чорвачиликни юксалтириш учун социалистик мусобақани ҳам кенг авж олдириш вазифасини юклади.

Ҳар бир колхоз ва совхоз гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтирмоқ учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан фойдаланишга, шунингдек ем-хашак базасини мустаҳкамлашга доир конкрет чораларни мўлжаллаб қўйиши керак.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛДА ВА БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БУНДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорига жавобан Андижон области колхозлари ва совхозларининг меҳнатчилари чорвачиликни янада ривожлантиришга ва чорва молларни ем-хашак билан таъминлашга доир ўзларининг тадбирларини қайта кўриб чиқдилар, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш борасида тағин ҳам юқорирок марраларни мўлжаллаб қўйдилар.

Область колхозлари ва совхозлари 1973 йилда навбатдаги йил учун белгиланган тадбирларда мўлжалланганига қараганда 26 процент кўп ёки 46,5 минг тонна сут етиштиришни, гўшт етиштиришни 16 минг тоннага, тухум етиштиришни 25,8 миллион донага етказишни ёки 42 процент кўпайтиришни мўлжаллаб қўйдилар.

1973 йилда давлатга пландагидан ташқари 15 процент кўп гўшт, 18 процент кўп сут, 25 процент кўп тухум сотилади.

Сигирлар туёғини бир йил ичида 10 процент кўпайтириш, ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутни 1700 килограммга етказиш ёки 1972 йилдагига нисбатан 300 килограмм кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди.

Тухумга кирган ҳар бир товуқдан олинаётган тухумни йилига 25 дона кўпайтириб, 150 донага етказилади.

Ёш молларни ўстиришни, яйловда ва қўлда боқиб семиртиришни яхши ташкил қилиш йўли билан гўштга топширилаётган ҳар бир бош молнинг ўртача вазни кўпайтирилиб, 1973 йилда қорамолларнки 400 килограммга, чўчқаларнки 110 килограммга, қўйларнки 45 килограммга етказилади.

Чорвачиликни ем-хашак билан тўлиқ-тўкис таъминлаш муҳим вазифаларнинг биридир. Шу мақсадда ем-хашак экинларининг структурасини яхшилаймиз ва ҳосилдорлигини оширамиз. Аралаш қилиб, оралиқ даврида ва қиш олдидан экиладиган ем-хашак майдонларини кенгайтирамиз.

1973 йилда 49 минг тонна ем, 240 минг тонна дағал хашак, шу жумладан 150 минг тонна сенаж ҳамда 360 минг тонна ширали озуқа, яшил озуқа ва яйлов озуқаларини қўшиб ҳисоблаганда жами 348 минг тонна озуқа бирлигидан иборат ем-хашак ғамлаб қўямиз.

Беда ҳосилини гектар бошига 150 центнерга, маккажўхори донини 50 центнерга, силосбоп маккажўхори ҳосилини камида 500 центнерга ва лавлаги ҳосилини 500 центнерга етказамиз.

Ем-хашакни тайёрлаш ва асрашнинг прогрессив методларини: актив шамоллатиб туриш билан қуритиш, дағал хашакларни пресслаб қўйиш, сўлиб қолган кўк хашакларни қирқиб сўнгра молларга бериш, аралаш қилиб силос, сенаж бостириш ва витаминли ўт талқони тайёрлаб қўйиш методлари кенг қўламда жорий қилинади. Озиқ-овқат чиқитларини йиғиштириб олиш ва улардан фойдаланиш анча яхшиланади.

Ғарамлаб қўйилган ем-хашак дан самарали фойдаланиш мақсадида бу озуқаларнинг ҳаммаси тайёрланиб етиштирилганидан кейингина чорва молларга берилади. Колхозлар ва совхозларда янги конструкция асосида қурилган 67 та озуқа цехи ишга туширилади. 1973 йилда 25 та озуқа цехи қуриш мўлжаллаб қўйилди, 1975 йилда эса областнинг ҳамма хўжаликлари ўзларининг озуқа хўжалигига эга бўлади.

«Ойим». М. Горький номли совхозларда «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг кучи билан омухта озуқа заводлари қурилади. 1973 йилда хлорилла пастаси ишлаб чиқарадиган саноат цехлари қурилади. Колхозлар ва совхозларда чорвачилик фермаларини комплекс равишда механизациялаш 47 процентга, 1975 йилда эса 76 процентга етказилади. Олтинкўл ва Булоқбоши посёлкаларида чорвачилик фермаларига хизмат кўрсатадиган механизациялаштирилган кўчма колонна ишга туширилади. «Ўзсельхозтехника»нинг Олтинкўл район бўлими негизида чорвачилик фермалари учун запас қисмлар ҳамда механизмлар ва ускуналар тайёрлаб берадиган ихтисослаштирилган завод қурилади.

Колхозлар ва совхозларда наслчилик ишларини йўлга қўйиш борасида катта ишлар қилиш мўлжаллаб қўйилди. 1973 йилда хўжаликларнинг ҳаммаси янги туғилган бузоқларни эмиздирмай боқиш методига ўтади. Сигирга айлантириш учун боқиладиган зотли ғунажинларни кўпайтириш ва булар билан хўжалик подаларини тўлдириш мақсадида барча колхозлар ва совхозларда жамики сигирларнинг 30-40 процента миқдорида наслдор сигирлар боқишга ўтилади. Сунъий урчитиладиган сигирлар ва ғунажинларнинг сони 90 процентга етказилади. Чорвачилик фермаларида зоотехника ҳисоботи йўлга қўйилади, ҳамма сигирлар учун алоҳида-алоҳида картотека жорий қилинади. 1973 йилда швед зотидан бўлган қорамол урчитиладиган 4 та зотли моллар фермаси ташкил этилади. 1974 йилда эса «Октябрь 50 йиллиги» совхозида наслдор қорамоллар заводи ва 1975 йилда «Савай» совхозида наслдор қорамоллар заводи ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулотининг сифатини ошириш мақсадида зооветеринария ва санитария тартибларига риоя қилиниши доимий назорат қилиб турилади. сут-товар фермаларида ҳар ойда «санитария куни» ўтказиб турилади. Ҳар бир фермада доимий ишлаб турадиган дезобарьерлар, дезоматлар бўлади, совутиш ускуналари, химикатлар, иссиқ сув билан фермаларни таъминлаш йўлга қўйилади. Сут лабораториялари ва сунъий урчитиш пунктлари доимий равишда ишлаб туради.

Зооветеринария тадбирларини ўтказиб туриш асосида 1973 йилда ҳар 100 бош сигирдан 85 та бузоқ, ҳар 100 бош думбали қўйдан 110 кўзи, ҳар 100 ургочи чўчқадан 2300 бош чўчка боласи олиш таъминланади. Сигирларни туғдирадиган типовой бинолари бўлмаган фермаларнинг ҳаммасида туғилган бузоқларни эсон-омон сақлаб қолиш мақсадида сигирларни туғдириш учун алоҳида хоналар ажратиб ва ускуналаб қўйилади.

Чўчқачилик, қуёнчилик ва балиқчилик ҳар томонлама ривожлантирилади. Балиқчи районидаги «Қизил юлдуз» колхозида ва Фрунзе номли совхозда механизациялаштирилган йирик қуёнчилик фермалари ташкил этилади. Ҳар бир районда мана шундай фермалар қуриш мўлжаллаб қўйилди. Ташкил этилган балиқчилик хўжалигида 1973 йилда 280 тонна, 1974 йилда 480 тонна ва 1975 йилда 530 тонна товар балиқ етиштириб берилади.

Чорва молларни жойлаштирмоқ учун 1973 йилда 7800 бош чорвани сақлашга мўлжалланган 37 та типовой чорвачилик бинолари қуриш, 1974 йилда 8600 бош чорвани боқишга мўлжалланган 36 та чорвачилик биноси ва 1975 йилда 7400 бош чорвани боқишга мўлжалланган 32 та чорвачилик биноси қуриш мўлжаллаб қўйилди.

Саноат корхоналарининг областдаги колхозлар ва совхозларни оталиққа олиб, фермалардаги сермеҳнат ишларни механизациялаштиришда, озуқа цехларини қуриш ва ускуналашда, чорвачилик фермаларининг механизмларини ремонт қилишда кенг қўламда иш олиб боришлари шу тадбирларнинг бажарилишига ёрдам беради.

Чорвачиликни янада ривожлантириш вазифаларини кадрлар ҳал қилади. Колхозлар ва совхозларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш мақсадида Марҳамат районида область давлат наслчилик бирлашмасининг зотли бузоқларни боқиб ўстирадиган ва буқачаларни боқиб семиртирадиган ихтисослаштирилган совхози негизида зооветеринария техникуми очиш мўлжаллаб қўйилди.

1973—1975 йилларда Андижон қишлоқ ҳунар-техника билим юртида чорвачилик фермалари учун 305 нафар механизатор тайёрлаб берилади.

Сут соғувчилар, молбоқарлар, бузоқбоқарлар, чўпонлар, чўчқабоқарлар, паррандабоқарлар, қуёнбоқарларнинг ҳаммаси 1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақага қўшилдилар. Ҳар бир колхоз ва совхозда мусобақа натижаларини ҳар ўн кунда якунлаб туриш, мусобақада голиб чиққан илғор ферма шарафига байроқ кўтариш, районлар, колхозлар, совхозлар ва фермалар ўртасида ўзаро текширишлар ўтказиш мўлжаллаб қўйилди.

Беш йилликнинг бундан бўёғи йиллари учун олинган социалистик мажбуриятлар ҳам қайта кўриб чиқилди. 1975 йилда етиштириладиган гўштни 19 минг тоннага, сутни 63,2 минг тоннага етказиш ёки 18 минг тонна кўпайтириш, тухумни 48,3 миллион донага етказиш ёки илгари қабул қилинган ва маъқулланган мажбуриятдагига нисбатан 15,7 миллион дона кўпайтириш, колхозлар ва совхозларда сигирлар туёғини 37 минг бошга ёки жамики қорамолларнинг 40 процентига етказиш, ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинаётган сутни 2000 килограммга етказиш, тухумга кирган ҳар бир товуқдан олинаётган тухумни 180 тага етказиш, давлатга топширилаётган қорамолнинг тирик вазнини 450 килограммга етказиш, ҳар 100 бош сигирдан олинаётган бузоқни 88 бошга, ҳар 100 бош совлиқ қўйдан олинаётган қўзини 112 бошга, ҳар 100 бош ургочи чўчқадан олинаётган чўчка боласини 2400 бошга етказиш мўлжаллаб қўйилди.

Қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши жамоат чорвачилигини янада ривожлантиришга, маҳсулот таннархини пасайтирган ҳолда, уни юқори сифатли қилиб етиштиришга, рентабелликни оширишга, КПСС XXIV съезди қўйган тўққизинчи беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифаларидан бириви тезроқ ҳал этишга ёрдам беради.

Мажбуриятлар область партия хўжалик активи ва чорвадорлар йиғилишида муҳокама қилинди, маъқулланган.

САМАРҚАНД ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Самарқанд областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини турмушга тадбиқ қила бориб ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар.

Пахта тайёрлаш пунктларига 438 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Бу давлат планида кўзда тутилганидан 38 минг тонна кўпдир. Гектар бошига ўрта ҳисобда 25 центнердан ҳосил олинди. 80 процентдан ортиқ пахта биринчи сортларга топширилди. Тайёрлов пунктларига 79 минг тонна пахта топширган Нарпай райони, 57 минг тоннадан пахта топширган Пастдарғом ва Пайариқ районлари, 53 минг тонна пахта топширган Иштихон райони, 50 минг тонна пахта топширган Каттақўрғон райони, 47 минг тонна пахта топширган Хатирчи райони, 40 минг тонна пахта топширган Оқдарё районининг пахтакорлари бунга катта ҳисса қўшдилар. Жомбой, Булунғур, Ғаллаорол, Самарқанд районларининг пахтакорлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

159 минг тоннадан знёд пахтани машиналарда терган механизаторлар яхши ишладилар. Ҳар бир пахта териш машинаси билан ўрта ҳисобда 65 тоннадан пахта терилди.

Машина теримининг кўпгина усталари 200-300 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта териб бердилар. Нарпай районидаги Калинин номли колхозда Б. Шоқиев 540 тонна, Пайариқ районидаги Навоий номли колхозда У. Рўзиев 427 тонна пахта терди-лар, Каттақўрғон районидаги Энгельс номли колхозда Х. Ҳоликов, Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон колхозидаги Ғ. Эрназаров ва бошқа кўпгина механизаторлар юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1973 йил мўл ҳосилига пухта тайёргарлик кўриб кузги-қишки ишларни олиб бормоқдалар.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН

7 декабрда Тошкент область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда чорвачиликни янада ривожлантириш вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорини қизғин маъқулладилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан кенг қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Тошкент области чорвадорларининг 1973—1975 йиллар учун социалистик мажбуриятлари бир овоздан қабул қилинди. 1975 йилга бориб қорамолларни 150 минг бошга, гўшт етиштиришни 40,4 минг тоннага, сут етиштиришни 135,2 минг тоннага етказиш кўзда тутилади.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ўртоқ Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қизил Байроғини доимий сақлаш учун Тошкент областига тантанали вазиятда топширди. Область меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришганликлари ва 1972 йилда давлатга 400 минг тонна пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан аввал бажаргаликлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлишди.

М. М. Мусахонов байроқни қабул қилиб олар экан, область меҳнаткашлари келгуси йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун барча кучларини сарф қиладилар, КПСС XXIV съезди Директиваларининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонтирди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари аъзолари, аъзолиққа кандидатлари, Тошкент область ва шаҳар партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзолари, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советларининг депутатлари иштирокида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси 11 декабрь соат 11 да Санъат саройида очилади.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

БУХОРО, 7 декабрь. (ЎзТАГ). Область театрида Бухоро область ва шаҳар партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев шонли юбилей тўғрисида доклад қилди. У бундай деди: Бухоро яқин аср мобайнида халқ хўжалиги юксак даражада ривож топган областга айланди. Саноатнинг газ, нефть, химия, энергетика, конруда синғари янги тармоқлари пайдо бўлди. Ўрта Осиё — марказ — Бухоро — Урал магистрал газ қувурлари шу ердан йўл олди. Шу йиллар мобайнида янги шаҳарлар ва посёлкалар қад кўтарди, қишлоқлар ва район марказлари гўзаллашиб бормоқда. Янги корхоналар тез суръатлар билан қурилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам олга қараб катта қадам қўйилди. Аму-Бухоро ва Аму-Қорақўл машина каналлари, Тошработ гидроузели, Қуйимозор сув омбори синғари улкан ирригация иншоотлари қурилди.

Қишлоқ меҳнатчилари умумхалқ байрамига тайёргарлик кўратуриб катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 440 минг тонна пахта топширилди. Бу эса давлат планда кўзда тутилганидан 40 минг тонна кўпдир. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига баланд рух билан табрикнома қабул қилдилар.

КОЛХОЗЛАР РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Колхозлар Ўзбекистон республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш колхозлардаги мактабгача тарбия болалар муассасалари ишини яхшилаш тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Республика колхозларида ҳозирги вақтда 1325 та мактабгача тарбия болалар муассасалари бор. Ваҳоланки 1970 йилда 345 та эди. Мажлисда Тошкент, Наманган, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда колхозларнинг мактабгача тарбия болалар муассасаларини марказлаштириш соҳасида катта ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда колхозларнинг даромадларни тақсимлаша, 1972 йилги йиллик ҳисоботларини ва 1973 йилги ишлаб чиқариш-молия планларини тузишга, колхозчиларнинг ҳисобот йиғилишлари ва ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишга қандай тайёргарлик кўраётганлиги, шунингдек бошқа бир қанча масалалар муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

Расмий хабарлар

СОВЕТ — ЧИЛИ МУЗОКАРАЛАРИНИНГ ДАВОМИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Чили Республикасининг Президенти Сальвадор Альенде Госсенс ўртасидаги музокаралар 7 декабрда Кремлда давом эттирилди.

Музокаралар чоғида Совет Иттифоқи билан Чили Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш йўллари тўғрисида фикрлашиб олиш давом эттирилди. Икки томонлама иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга таллуқли масалалар ҳамжиҳатлик руҳида кўриб чиқилди. Томонлар бир қанча актуал халқаро проблемаларни ҳам муҳокама қилдилар. Бу проблемаларнинг ҳал этилиши ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди.

Музокараларда совет томонидан СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Чили Республикасидаги элчиси А. В. Басов иштирок этдилар.

Музокаралларда Чили томонидан Чили Республикаси ҳукуматининг аъзолари: ташқи ишлар министри Клодомиро Альмейда, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари сенатор Луис Корвалан, меҳнат ва социал таъминот министри Луис Фигероа, миллий планлаштириш бошқармасининг директори Гонсало Мартнер, министр даражасидаги элчи Эрнан Санта Крус, ташқи иқтисодий алоқалар секретариатининг ижрочи секретари Эрнесто Тореальба, Чили марказий банкининг президенти Альфонсо Иностроса, Чили Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Марио Дарригранди ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Бўлиб ўтган музокаралар-нинг якунлари тўғрисида Совет — Чили қўшма ахборотини эълон қилиш хусусида келишиб олинди.

Музокаралар дўстлик ҳамда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикрлар ва нуқтаи назарларнинг бирлиги вазиятида ўтди.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ТУҲФА

Чили республикасининг Президенти Сальвадор Альенде Госсенс 7 декабрда Кремлда совет халқига аталган туҳфа— В. И. Ленининг скульптура портретини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга топширди.

Л. И. Брежнев Сальвадор Альендега самимий ташаккур билдирди.

Скульптура портретини топшириш чоғида Совет — Чили музокараларининг қатнашчилари ҳозир бўлдилар.

ЧИЛИ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати 6 декабрда Катта Кремль саройида Чили Республикаси Президенти Сальвадор Альенде Госсенс шарафига зиёфат берди.

Олий меҳмон ва унинг рафиқаси билан бирга Москвага келган Чили Республикаси ҳукуматининг аъзолари, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан, шунингдек Чили Республикасининг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Марио Дарригранди, бошқа расмий кишилар зиёфатда ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва Чили Республикасининг Президенти Сальвадор Альенде нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

САМИМИЙ ВА ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Чили Республикасининг Президенти Сальвадор Альенде Госсенс 7 декабрда нонушта зиёфат берди.

Совет томонидан зиёфатда А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, П. Е. Шелест, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР министрлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари ҳозир бўлишди.

Зиёфатда ҳурматли меҳмон ва унинг рафиқаси билан бирга Чили Республикаси ҳукуматининг Москвага келган аъзолари, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан, шунингдек Чили Республикасининг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Марио Дарригранди ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Зиёфат вақтида Чили Республикасининг Президенти Сальвадор Альенде билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин дўстона қадаҳ кўтардилар. (ТАСС).

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ КУЧИ—ХАЛҚЛАР ҚАРДОШЛИГИДА

Тошкентда ўтказилаётган республика илмий-назарий конференцияси халқлар қардошлиги ленинча ғояларининг тантанаси ва меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш мавзусига бағишланди. Бу конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти, республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва республика «Билим» жамияти уюштирди. Конференция СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланди. Конференцияда таниқли олимлар, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари, шунингдек, халқ маорифи органларининг раҳбарлари, партия ва комсомол ходимлари, лекторлар, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, журналистлар иштирок қилмоқда. Қардош республикалардан келган меҳмонлар ҳам қатнашмоқдалар.

7 декабрда республика «Билим» уйида конференциянинг биринчи мажлиси бошланди. Ташкилот комитетининг топшириғига биноан конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов очди, ҳозирги илмий анжуманнинг вазифаси, деди у,—коммунистик партиянинг халқлар дўстлиги ленинча ғояларини амалга ошириш назарияси ва практикасини ҳамда партиянинг меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги кўп қиррали улкан фаолиятини кенг ва чуқур ёритишдан иборат. Конференция Ўзбекистонда меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида тўпланган иш тажрибасини умумлаштириши, бу соҳадаги илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш ва уларни турмушга татбиқ этишнинг асосий йўлларини белгилаб бериши керак.

«СССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши — интернационализм ғояларининг тантанаси» деган мавзуда доклад қилмоқ учун тарих фанлари доктори, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги иктимоий фанлар академиясининг профессори И. И. Грошевга сўз берилади.

Совет кишилари, дейди докладчи, ватанпарварларга хос буюк ифтихор туйғулари билан СССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши тарихига назар солмоқдалар Кўп миллатли совет давлатида эришилган жуда катта муваффақиятлар, пролетар интернационализми ленинча назарясининг, Коммунистик партиянинг миллий масала борасидаги сиёсатининг буюк ҳаётий кучини англаш ҳаммамизни қувонтиради ва илҳомлантиради.

Ҳақли суратда пролетар интернационализми партияси номини олган Ленин партияси илгари бажариб келган интернационалистик ишларнинг натижалари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг галабасида, бу революция ғалабаларини ҳимоя қилишда, мамлакат халқларининг бирлашиш йўлида олиб борган ва СССРнинг ташкил топиши билан тугалланган ҳаракатида яққол намоён бўлди.

Республикалар ихтиёрий иттифоқининг вужудга келганлиги пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги ғояларининг ғалабаси, коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасида бажарган буюк назарий ва амалий ишларининг самарали натижаси бўлди.

СССРнинг ташкил топиши миллий масалани ҳал этиш, миллатларни ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштириш ва халқларни янги жамият барпо этиш учун ягона оилага бирлаштиришнинг жуда тўғри йўлини бутун жаҳонга кўрсатиб берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республика Олий ва махсус ўрта таълим министри Ғ. А. Абдурасмонов СССР халқларини бир-бири билан яқинлаштириш ва миллатлараро алоқа боғлашнинг қудратли воситаси бўлган рус тили ҳақида ғапирди.

Мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар ўз ихтиёри билан рус тилини муштарак тил сифатида танлаб олдилар. Рус тили совет халқларини жипслаштириш ва уларнинг ўзаро алоқа боғлашлари учун қудратли қурол, бу халқларни ватан ва жаҳон маданиятини энг яхши ютуқларидан баҳраманд қилиш воситаси бўлиб қолди. Рус тили синфсиз жамиятни биргаликда барпо этиш жараёнида мамлакатимиз халқларига хизмат қилиб, уларни улуғ рус халқи теварагига бирлаштиради, СССРдаги тенг ҳуқуқли халқларнинг дўст ва ягона оиласига жипслаштиради.

Коммунистик қурилиш кенг авж олдириб юборилган даврда рус тилини ўрганиш коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Республикамиздаги ўзбек мактаблари ва бошқа миллат мактабларининг ўқувчилари рус тилини зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Рус тили ва адабиётини ўрганиш юзасидан махсус ташкил этилган республика педагогика институти, педагогика олий ўқув юртлари ва университетларнинг филология факультетлари ана шу мактаблар учун ўқитувчилар тайёрламоқда. Россия Федерацияси ва Украинадаги педагогика олий ўқув юртлари ҳам ўзбек мактаблари учун рус тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаб бермоқда. Бу эса совет республикаларининг бир-бирига қардошларча ёрдам бераётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Ҳозирги вақтда РСФСР ва Украинадаги ўттизта олий ўқув юртларида Ўзбекистон йигит-қизларидан 4200 киши ўқимоқда.

Философия фанлари доктори, Тошкент халқ хўжалиги институти илмий коммунизм кафедрасининг мудири, профессор П. С. Турсунмуҳаммедов СССРдаги миллатлар ва элатлар бир хил социал структурасининг шаклланиши тўғрисида доклад қилди.

СССРда социализмнинг ғалабаси, партиямиз Ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилаётганлиги натижасида, дейди докладчи, СССРдаги барча халқларнинг эски социал структураси барҳам топди ва сифат жиҳатидан янги социал структура вужудга келди. Бу структура меҳнаткашлардан иборат дўст синфлар ва группаларининг мавжудлиги билан, уларнинг иқтисодий, социал-сиёсий ва ғоявий манфаатларининг бирлиги билан, коммунизм қурилишидан мушталак манфаатдорлиги билан характерланади.

Ўрта Осиёнинг илгари қолоқ бўлган халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида, рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли тарихан қисқа муддатда илғор социалистик саноатни барпо этдилар, бу республикаларда ишчилар синфининг кўпдан-кўп миллий кадрлари ва меҳнаткаш зиёлилар ўсиб етишди. 1940 йилда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистондаги ишчи ҳамда хизматчилар 1 миллион 287 минг кишидан иборат бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 4 миллион 524 минг кишига етди. 1913 йилда Туркистон территориясида атиги ўн саккиз минг ишчи бўлганлигини эслатиб ўтиш кифоядир.

Коммунистик партия ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг иттифоқига таяниб, СССРда колхоз тузумининг ғалаба қозонишини таъминлади. Барча миллий совет республикаларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қишлоқларнинг қиёфаси тамомила ўзгарди. Масалан, 1939 йилда Ўзбекистон ССРда ишлаб турган ҳар бир минг кишига шаҳарларда олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотли 192 киши, қишлоқда эса атиги 27 киши тўғри келар бўлса, 1970 йилда шаҳарларда 733 киши, қишлоқларда эса 611 киши тўғри келди.

Барча миллий республикалар, область ва ўлкаларда маданий революциянинг амалга оширилганлиги мамлакатимизда миллий масалани муваффақиятли суратда ҳал этишнинг муҳим натижаси бўлди. Миллий зиёли кадрлар ўсиб етишди. СССР халқларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти равнақ топди.

Тарих фанлари доктори, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги иктимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг директори Ҳ. Т. Турсунов ривож топган социализм даврида меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш проблемалари ҳақида доклад қилди.

Докладчи СССРдаги социалистик миллатлар ва элатлар миллий муносабатларнинг янги типи ва интернационал бирлигининг шаклланиш ҳамда ривожланишидаги объектив ва субъектив омиллар ҳақида гапиради. Ривож топган социализм—буюк бунёдкорлик бўлиб, пролетар интернационализми байроғи остида жипслашган кўп миллионли ва кўп миллатли совет халқи қаҳрамонона ишлари самарасидир.

Совет Ўзбекистони совет ҳокимияти йилларида қолоқликдан тараққиёт чўққилари сари, феодализмдан социализм сари шаҳдам қадам қўйди. Бутун бир тарихий даврни — капитализмни четлаб социализмга ўтиш мумкин эканлиги амалда исбот қилинди. Республика партия ташкилотлари Ўзбекистоннинг муваффақиятларини пропаганда қилганларида бу муваффақиятлар ўзбек халқининг куч-ғайрати билангина эмас, балки барча совет халқларининг, аввало, улуғ рус халқининг қардошларча буюк ёрдами туфайли ҳам қўлга киритилганлигини алоҳида таъкидлайдилар. Бу—тамомила қонуниятли бир ҳол.

Конференция қатнашчилари ўз нутқларида докладларда илгари сурилган назарий қоидаларни ривожлантирдилар.

Тошкент областининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари, дейди Тошкент область партия комитетининг секретари, тарих фанлари кандидати Б. А. Абдураззоқов, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш борасида анчагина тажриба орттирдилар, шу тажрибани янги форма ва методлар билан доимо чуқурлаштириб, бойитиб бормоқдалар. Улар шу ишни узоқ муддатга мўлжалланган ягона комплекс перспектив планга мувофиқ олиб бормоқдалар.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик чўғида областда илғор коллективларнинг ташаббуси билан иттифоқдош республикалар шарафига бошланган меҳнат декадалари кенг қулоч ёйди. Зарбдор вахта у ёки бу республиканинг социал-иқтисодий ва маданий ютуқларини пропаганда қилиш билан қўшиб олиб борилмоқда. Корхоналарда тематик кечалар, лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда, кинофильм кўриклари ташкил этилмоқда, бадиий ҳаваскорлик коллективлари бераётган концертлари репертуарига қардош халқлар қўшиқ ва рақсларини ҳам киритмоқдалар.

Тошкент области Болгариянинг Хасково округи билан анъанавий алоқа боғлаб турибди. Партия ташкилотлари Совет — Болгария дўстлиги ғояларини пропаганда қилиш юзасидан мунтазам суратда турли тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Тарих фанлари кандидати М. Искандаров Ўзбекистон Компартиясининг меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш борасидаги фаолияти билан боғланган бир қанча масалаларга тўхталди.

Совет Ўзбекистонида 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ёнма-ён турибмеҳнат қилмоқдалар. Кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашни кучайтириш масалаларига бағишланган турли хил тадбирлар ўтказилди. Мамлакат барча республикалари катта-катта мутахассис олимлари, партия ва давлат арбоблари иштирокида ўтказилган назарий ва методик конференциялар, семинарлар, кенгашлар шулар жумласидандир.

Интернационал руҳида тарбиялаш масалалари ҳамма хил халқ университетларининг ўқув-тематик планлари ва программаларида ҳам акс этмоқда, партия, комсомол маорифи системаси ҳам меҳнаткашларни халқлар дўстлиги, социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Матбуот, радио ва телевидение меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга катта эътибор бермоқда.

Интернационал руҳдаги тарбия пойдевори болалик чоқлариданоқ яратилади. Шунинг учун ҳам оилада, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда болаларни тарбиялаш киши ҳаётининг кейинги даврлари учун ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ССР маориф министри, философия фанлари кандидати С. Шермуҳамедов ўз нутқида шу фикрни айтади.

Республика Маориф министрлиги ва унинг маҳаллий органлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш даврида ўқувчиларни коммунистик руҳда, айниқса интернационал руҳда тарбиялаш масалаларига эътиборни янада оширдилар. Синф раҳбарлари ҳамда синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тарбия иши ташкилотчиларининг республика семинар-кенгаши ўтказилди. «Ўқувчиларни ленинча дўстлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш» мавзуига бағишланган республика илмий-методик конференцияси бўлиб ўтди.

Интернационал тарбия халқ маорифи органлари барча бўғинлари ходимларининг ишга ижодий ёндошувларини тақозо қилади. Министрлик педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва республика ўқув-методик кабинети қардош республикалар мактаблари ўқув планларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ишни янада такомиллаштириш борасида ўз таклиф ва тавсияларини беришлари керак.

Философия фанлари доктори К. С. Содиқов В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети партия ташкилотининг тажрибаларини гапириб берди.

Ҳозир университетда олтмишдан ортиқ миллат, шунингдек социалистик ва ривожланаётган мамлакатлардан ўн етти миллат вакиллари таълим олмоқда. Факультетлар ва кафедраларда, студентларнинг ётоқхоналарида иктимоий-сиёсий мавзуларда лекциялар ўқилмоқда, халқлар дўстлиги кечалари ташкил этилмоқда. Партия комитети ҳузурида тузилган икки юз коммунистдан иборат лекторлар группаси ленинча миллий сиёсат пропагандасини олиб бормоқда.

Ўзбек адабиёти тарихи кафедраларида интернационал дўстлик клублари ишлаб турибди. Бу клублар қардош республикалар маданиятининг таниқли усталари, чет эллик ёзувчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Партия комитети студентлар ва муаллимларда жамики зафарларимиз учун фахрланиш, барча миллат ва элатларни иззат-ҳурмат қилиш, буржуа миллатчилигининг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик ҳис-туйғуларини тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Партия комитети ҳузурида интернационал дўстлик кенгаши ишлаб турибди ва бу кенгашга университет ректори, республика Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов бошчилик қилмоқда.

Андижондаги ҳунар-техника билим юртининг муаллимаси М. Ҳайдарова ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш борасидаги иш тажрибалари тўғрисида гапирди.

Муаллимлар интернационал руҳда тарбиялаш ҳунар-техника билим юртларидаги барча тарбиявий ишларнинг асосий йўналишларидан бири эканлигини ва у ёш ишчи дунёқарашини шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини биладилар. Педагоглар тарих, жамиятшунослик ва география дарсларида ўқувчиларга иттифоқдош республикаларнинг доимо ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисида, тобора кенгайиб бораётган қардошларча ўзаро ёрдамлар ҳақида гапириб бермоқдалар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўтайдиган цехлар, қурилишлар, ишчи коллективлари ёшларни интернационал руҳда тарбиялашнинг катта мактабидир. Корхоналарда турли миллат ишчилари меҳнат қилмоқдалар ва муаллимлар йигит, қизлар ишчи коллективларига қўшилиб, уларнинг меҳнат ва интернационал анъаналарини муносиб давом эттирувчи кишилар бўлишлари учун ҳамма куч-ғайратларини сарфлаяптилар.

Тарих фанлари кандидати С. У. Татибоев ўз нутқи мавзуини «СССР — Социалистик миллат ва элатларнинг буюк ҳамдўстлиги» деб атади. СССР тараққиётининг, КПСС революцион ўзгартириш фаолиятининг тажрибаси, деб таъкидлайди у, миллатлар сиёсий тенг ҳуқуқсизлигини тугатиш, эксплуататор тузумдан мерос бўлган иқтисодий ва маданий қолоқликни енгиб ўтиш, халқлар ривожланиш даражасини тенглаштириш, эксплуататор синфлар вужудга келтирган миллатлар ўртасидаги ишончсизликни йўқотиш, уларнинг ихтиёрий равишда қардош оилага жипслашуви каби мураккаб ва муҳим проблемаларни ҳал этиш пухта йўлларини кўрсатиб беради.

Айни Совет Иттифоқининг кўп миллатли оиласида неча ўнлаб халқлар чиндан ҳам уйғонди, уларнинг давлат тузуми ривож топди, ўтмишда қолоқ ўлкаларнинг хўжаликлари умуман иттифоқ бўйича олгандагидан анча юқори суръатлар билан ривож топди, барча миллатларнинг маънавий кучлари гуллаб-яшнади.

Тарих фанлари доктори М. М. Мусаев ўз нутқини КПССнинг ташкилий тузилишида ленинча интернационализм принципларининг мужассамлаганлигига бағишлади.

Большевиклар партияси марксизм таълимотига асосланиб ўз программаси ва сиёсатини интернационализм позицияларида туриб белгилади. В. И. Ленин партиямиз ана шу принципларни изчил равишда ўтказиб боришини даврининг революционлигининг мезони деб билган эди. Ленин интернационализм тушунчалари ва сиёсатини оппортунистлар бузишига қарши кураш олиб боришни биринчи даражали вазифа деб ҳисоблаганди.

Мамлакатда миллий республикалар ва областлар ҳамда уларнинг партия ташкилотлари ташкил этилиши муносабати билан ленинча миллий программа ва партия сиёсатининг изчиллик билан амалга ошириб борилиши, барча халқларнинг амалдаги тенглигини рўёбга чиқариш чораларининг ўтказилиши, миллий кадрларни ўстириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб бориш, партия органларидаги ташкилий-структура ўзгаришлари ленинчи коммунистлар партиясининг марказлашган ягона интернационал ташкилот бўлиб ғоявий ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва ривожланишига ёрдам берди.

Партия социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида хўжалик ва маданий қурилишни амалга ошириш ва кадрлар билан ишлашда пролетар интернационализми принципларига ҳамиша амал қилиб келди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. Е. Житов ўз нутқида муҳим-муҳим назарий масалаларни кўтариб чиқди. У Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасини СССРда миллий масала ҳал этилишининг асосий шарти сифатидаги аҳамиятини ҳар томонлама таърифлаб берди.

Тарих фанлари доктори А. Ф. Яцишина урушдан аввалги йилларда меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлиги учун курашда ишчилар синфининг қатнашуви тўғрисида гапирди. Тарих фанлари доктори Ж. Қалимбетов Ўзбекистон Компартиясининг Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини таҳлил қилиб берди.

Меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашда илмий-атеистик пропаганданинг роли тўғрисида философия фанлари доктори А. О. Ортиқов қилган доклад, ёшларни интернационал руҳда тарбиялашда марксизм-ленинизм иқтисодий назариясидан фойдаланиш ҳақида иқтисод фанлари доктори Э. С. Севликинц қилган доклад ҳам тингланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашмоқдалар.

Республика илмий-назарий конференцияси 8 декабрда ўз ишини давом эттиради. (ЎзТАГ).

ЯНГИ РЕЖАЛАР

ОМСК ОБЛАСТЬ ОМСК РАЙОНИДАГИ «ЗАРЯ КОММУНИЗМА» КОЛХОЗИ ПУШКИНО СУТ-ТОВАР ФЕРМАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1972—1973 ЙИЛ ҚИШ ФАСЛИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА УЛАРНИ ДАВЛАТГА СОТИШНИ КУПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ЗИММАЛАРИГА ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Фермамиз коллективи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини мунносиб кутиб олиш учун курашиб, социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқда. Ўн ой мобайнида ҳар бир сигирдан 2700 килограммдан ёки бултурги йилнинг шу давридагига нисбатан 73 килограмм кўп сут соғиб олинди. Надежда Васильевна Бабикова эса ҳозиргача 3678 килограмм, Надежда Егоровна Спиридонова 3292 килограмм, Вера Ивановна Сементина 3136 килограмм сут соғиб олди. Бу бултурги йилнинг шу вақтидагига нисбатан 511-462 килограмм кўп. Уларнинг ҳаммаси ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарди.

Ферма ходимлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини баланд руҳ ва якдиллик билан маъқулладилар.

Биз шу муҳим ҳужжатни муҳокама қилиб ва ўз имкониятларимизни чамалаб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилишга қарор қилдик.

Биз чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишни, сигирлар кўпайтирилишини таъминлашни ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишни, сут беришини кўпайтиришни мақсад қилиб қўямиз. Шу йилги мажбуриятларни муваффақиятли бажарамиз, қабул пунктларига 28.000 центнер сут топширамиз, 1973 йилда эса янги марраларга чиқамиз.

Биз сут етиштиришни 1972 йилдаги даражага нисбатан 10 процент кўпайтириш мажбуриятини оламиз. Бир йилда ҳар бир сигирдан 3100 килограммдан сут соғиб оламиз, оғилхонада боқиладиган қиш фаслида — 1972 йилнинг тўртинчи кварталида ва 1973 йилнинг биринчи ярмида камида 2300 килограммдан сут соғиб оламиз. Йилнинг биринчи ярмида 1972 йилнинг шу давридагига нисбатан 1400 центнер кўп сут сотамиз ва планни 15 июнгача бажарамиз. Бир йилда давлатга жами—камида 30500 центнер сут сотамиз. Бу плондагидан 3000 центнер кўпдир.

Шу кўрсаткичларга эришмоқ учун катта куч-ғайрат, барча резерваларни қатъий ҳисобга олиб бориш, чорва қишловини намунали ўтказиш талаб қилинади. Биз қишловнинг дастлабки кунларидан бошлаб озуқадан рационал фойдаланишга алоҳида аҳамият берамиз. Фермада дағал ва концентрациялашган ем-хашак тайёрловчи цех ишлаб турибди. Ферма ходимлари пичан, сенаж, силос, похол, концентратларнинг ҳар бир килограммидан энг кўп самара билан фойдаланишга эришмоқдалар.

Ўз иш тажрибамиздан шу нарса маълумки, чорва қишловини ўтказишда, кўп сут олишда майда-чуйда ишлар йўқ. Шунинг учун мол кун тартиби ва боқиш режими бажарилишини қатъий кузатиб борамиз, янги туққан сигирларни говмуш қиламиз.

Биз юқори сифатли сут беришни, унинг товар хусусиятини оширишни, барча санитария-профилактика қоидаларига риоя қилишни, бузоқлар тўла сақланиб қолиши учун курашишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Соғин сигирлар зоти ва маҳсулоти сифатини ошириш ва яхшилаш тўғрисида катта ғамхўрлик қиламиз. 1973 йилда сигирларни 5 процент кўпайтириш ва 1160 бошга етказиш, чорва боқишнинг янги технологиясини ўзлаштириш. ферма да барча сермеҳнат процессларни комплекс механизациялашни поёнига етказиш мажбуриятини оламиз. Булар ҳар бир сут соғувчига биркитиладиган сигирларни 65-100 тагача етказишга ҳамда чорвачиликдаги меҳнат унумдорлигини 1972 йил даражасига нисбатан 50 процент оширишга имкон беради.

Фермамиз кадрлар билан тўла таъминланган. Коллективимиз аҳил, меҳнатсевар, сут соғувчилар ва молбоқарлар орасида ўз ишининг усталари оз эмас. Шу йил 17 нафар сут соғувчи ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш маррасини 3000 килограммдан ошириб юборади. Профессионал маҳоратни ошириш учун фермада ўқиш ташкил этилган.

Колхозда чорвадорларни маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари ишлаб чиқилди, фермаларнинг намуна кўрсатган ходимларига эсдалик вимпеллари ва мукофотлар бериб турилади.

Ҳозир сут соғувчилар билан молбоқарлар ўртасида социалистик мусобақа авж олди. Чорвадорлар партиянинг чақириғига зарбдор меҳнат билан жавоб беришга аҳди паймон қилганлар. Социалистик мажбуриятлар ферма чорвадорларининг умумий йиғилишида муҳокама этилди ва қабул қилинди.

В. Д. ТОЦКАЯ — ферма партия группаси ташкилотчиси, А. С. ТЕЛЬНОВА— бригада бошлиғи, Н. В. БАБИКОВА — сут соғувчи, М. С. МАЙОРОВ — молбоқар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари республика давлат ҳокимияти олий органининг бўлажак сессиясига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Сессия кун тартибидаги асосий масалалар доимий комиссияларда дастлабки тартибда ўрганилмоқда.

7 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссияси ва тармоқ комиссиялари вакилларининг, ёшлар масаласи билан шуғулланувчи комиссия ва табиатни ҳамда ер ости бойликларини кўриклаш комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1973 йилги давлат планининг лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон ССР Госплани раиси С. К. Зиёдуллаевнинг докладини тингладилар.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон ССРнинг 1973 йилги давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1971 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида Ўзбекистон ССР молия министри В. Муродхўжаевнинг ҳам докладини тингладилар.

Халқ хўжалиги плани давлат бюджети ва республика бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни доимий комиссияларда дастлабки қараб чиқиш тартиби тўғрисида план-бюджет комиссиясининг раиси Х. Умаров ахборот берди.

План-бюджет комиссияси, тармоқ комиссиялари ва ёшлар масаласи билан шуғулланувчи ҳамда табиатни ва ер ости бойликларини кўриклаш комиссиялари аъзоларидан иборат бир қанча тайёргарлик комиссияларини тузиш тўғрисида, шунингдек кичик комиссияларнинг состави тўғрисида қарор қабул қилинди.

Тайёргарлик комиссияларини ишга ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Улар бир неча кун давомида министрликлар ва идораларнинг намояндалари ва мутахассислар билан биргаликда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ва республиканинг 1973 йилги давлат бюджети лойиҳаларининг тегишли қисмларини, шунингдек 1971 йилги бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қараб чиқадилар. (ЎзТАГ).

СССР 50

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКА ҚАРОР ТОПИШИ ВА МУСТАҲКАМЛАНИШИНИНГ ЛЕНИНЧА АСОСЛАРИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Ўтган ярим аср мобайнида буюк иттифоққа бирлашган халқлар қудратли, марказлашган ва ягона халқ хўжалиги планига асосланган кўп миллатли давлатни барпо этдилар.

Янги типдаги бу давлатнинг муҳим хусусияти дўстлик, қардошларча ҳамкорлик, беғараз ёрдам, чинакам тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурматдан иборатдир.

Халқлар ва миллатларнинг ягона давлатга ихтиёрий равишда бирлашуви ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлилигининг тарихий заруриятини инсоният тарихида бунчалик чуқур тушуниб етилмаган. Утмишда халқларни мажбуран бирлаштирган катта давлатлар тарихий шароит ўзгариши билан тезда бўлиниб кетган. Собиқ Россия империяси халқлари умумий юксалиш ва янги социалистик жамият қуриш мақсадида ягона иттифоққа абадий бирлашдилар.

Октябрь социалистик революциясидан кейин ва халқлар капиталистик ва помещчиклар асоратидан халос бўлгач, ССР Иттифоқи вужудга келди. Бу бирлашувнинг енгилмас кучи шу ярим аср ичидаги тарихий воқеаларнинг бутун бориши билан зўр синовдан ўтди.

Кўпдан-кўп душманларга қарши оғир кураш шароитида халқларнинг ягона оилага бирлашганлиги В. И. Ленининг озод халқларнинг коммунизм томон ҳаракатини тўхтата оладиган куч дунёда йўқ, деган башоратини амалда тасдиқлади. Кўп миллатли давлатни барпо этишда Коммунистик партия ва совет халқининг буюк доҳийси В. И. Ленин катта роль ўйнади. Унинг бутун революцион ва илмий фаолияти Совет давлати фаолиятида намоён бўлди ва ҳозир ҳам намоён бўлмоқда. Очқўзларча бойлик тўплаш, асорат ва зулм ҳукм сурган эски дунёга В. И. Ленин кишилар ва халқлар ўртасидаги тамомила янги муносабатларни қарама-қарши қўйди. К. Маркс ва Ф. Энгельс ғояларини ривожлантириб, В. И. Ленин бу ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш пролетариат диктатураси давлати ҳокимияти бўлишини тақозо этади, деб кўрсатди.

Мамлакатимиздаги барча миллатларга мансуб бўлган совет кишилари шуни яхши биладиларки, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишда эришилган ютуқларнинг ҳаммаси Ленин ғоялари билан суғорилган, Коммунистик партия раҳбарлиги билан боғлангандир.

Марксизм-ленинизм асосчилари таълим берадиларки, жамият иқтисодий турмушининг асосий негизи ишлаб чиқарувчи кучларнинг табиий-тарихий ривожланиш процессидан ва уларга мос келувчи ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. Хўжалик юритишнинг ленинча асослари ана шу ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилгандир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши туфайли ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви В. И. Ленини иктимоий хўжалиги демократик централизм асосида ташкил этмоқ зарур, деган хулосага олиб келди. Жамият иқтисодий ҳаётига марказлашган раҳбарлик қилингандагина энг кам маблағ сарфлаб, энг кўп ишлаб чиқариш натижаларига эришиш мумкин.

Хўжаликни ягона марказлашган тартибда бошқаришнинг асосий афзаллиги экономикани гармоник ривожлантириш учун энг қулай шароит яратилганлигидадир. В. И. Ленин партия Программасининг биринчи лойиҳасига мулоҳазаларида ёзганидек, ана шундай қулай шароит яратилгандагина, жамият иқтисодий ҳаётини гармоник такомиллаштириш ва унинг аъзоларини ҳар томонлама ривожлантириш мумкин.

Ленинча демократик централизм принциплари социалистик ориентациядаги ривожланаётган мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу мамлакатларнинг капиталистик йўлдан ривожланиши ўз иқтисодий мазмунига кўра, социализмга ўтишнинг ўзига хос тарихий формасидир. Чунки бундай шароитда ҳар бир мамлакатнинг миллий хусусиятини ҳисобга олиш имконияти туғилади. Капитализмни четлаб ўтиб, ривожланган социалистик жамият қурган Ўрта Осиё Совет республикалари иқтисодий тараққиётининг тарихий тажрибаси бунинг ёрқин далилидир. Бу республикалар халқларининг экономика ва маданият соҳасида эришган ютуқлари кўпгина ривожланаётган мамлакатлар халқлари томонидан фойдаланиш мумкин ва фойдаланилмоқда.

Ўрта Осиё халқларининг экономика, фан ва маданият соҳасида эришган ютуқлари КПССнинг ленинча миллий сиёсати, Советлар мамлакати барча халқлари қардошларча дўстлиги, рус ва бошқа халқлар беғараз ёрдамининг самарасидир.

Социалистик хўжалик юритиш ленинча асосларининг муҳим соҳаси — халқнинг турмуш даражасини ошириш, унинг моддий ва маданий фаровонлигини яхшилашдир. Бу вазифа йирик оғир саноат барпо этилаётганда ҳам, социалистик қишлоқ хўжалигини қайта қуриш ишлари амалга оширилаётганда ҳам Коммунистик партиямизнинг олий мақсади бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай.

Бу вазифа ўз иқтисодий мазмунига кўра кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, социализмга ўтиш давридагина ҳал қилинади. В. И. Ленин 1918 йилда Халқ хўжалиги Советларининг I съездида айтганидек, **«Фақат социализмгина ҳамма меҳнаткашларнинг турмушини қандай қилиб энг осон қилиш, уларнинг фаровон бўлишига имкон берадиган қилиш учун жамият ишлаб чиқаришини ва маҳсулотларни тақсим қилишни илмий мулоҳазалар асосида кенг ёйишга ва чинакамига бўйсундиришга имкон беради. Буни фақат социализмгина амалга ошира олади. Социализм буни амалга ошириш кераклигини биз биламиз, бинобарин, марксизмнинг бутун (қийинлиги) ва унинг бутун кучи ҳам ана шу ҳақиқатни тушунишдадир».**

Еппасига фаровонликка эришиш жамият билан унинг ҳар бир аъзоси ўртасидаги муносабатларнинг ҳамма томонларини ўз ичига олади ва турли хил элементлардан таркиб топади.

Шу мақсадга эришишнинг асосий йўли меҳнатнинг сифати ва миқдорига қараб ҳақ тўлашдир. Бу борада кўпгина тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида урушдан кейинги йилларда мамлакатимиз ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақи ва колхозчиларга тўланадиган иш ҳақи анча кўпайди. 1950 йилда ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи 64,2 сўмни, 1970 йилда эса 121,7 сўмни ташкил этди.

Партия тўққизинчи беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақини яна 20-22 процент, колхозларнинг жамоат хўжалигидан колхозчиларга тўланадиган ҳақни эса 30-35 процент оширишни назарда тутмоқда. Бу — 1975 йилда ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи 146-149 сўм, колхозчиларга тўланадиган иш ҳақи эса — 98 сўмни ташкил этади, демакдир.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, иш ҳақини ошириш турмуш даражасини кўтаришнинг ягона манбаи эмас. Халқ фаровон



УЧ БАҲОДИР

Деҳқонобод — чорвачилик ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган район. Колхоз ва совхозлар экономикасида қоракўлчилик асосий ўрин тутади. Етиштирилаётган кўк, қора, сур, антиқа ва бошқа рангдаги қоракўл терилар Москвадаги халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида намойиш қилинмоқда, жаҳон бозорларида юксак баҳоланмоқда. Суратдаги уч баҳодирга қаранг. Қуйида чорвачилик, хусусан, қоракўлчиликни шаҳдам ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган ана шу яйлов лочинлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Суратда чапдан «Ленинизм» колхозининг бош чўпони Отабой Беккўловни кўриб турибсиз. У ўттиз йилдан буён шу касбни ардоқлаб келяпти. СЖК препаратини қўллаб совлиқлардан кўплаб эгиз қўзи олиш ташаббускорларидан бири. Ҳозир 500 бош қўйи бор отарни бошқаряпти. Баҳорда ҳар 100 совлиқдан 225 тадан қўзи олиб, рекорд кўрсаткичга эришди. 461 та қўзини ўстиришга қолдирди. Қоракўл тери тайёрлаш топшириғини ошириб ado этди. Қўйчиликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Яқинда донгдор чўпонга «Волга» енгил машинаси берилди.

Отабой Беккулов билан суҳбатимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил этиш ҳақидаги қарори тўғрисида борди.

— Қарор жуда катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз, — деди у мамнун оҳангда, — чунки бу тарихий ҳужжатда барча чорвадорлар каби биз чўпончўлиқларнинг ҳам фикримиз, ҳис-туйғуларимиз ўз ифодасини топган. Шундай замонда яшаяпмизки, ҳалол меҳнат қилиб чорвачиликни тараққий эттиринг-у, кўп маҳсулот етиштириб қандингизни уринг. Ўшандай чорвадорларни халқимиз ҳам, партия ва ҳукуматимиз ҳам, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар ҳаётга кенг жорий этиляпти. Шундай шароитда ургочи чорва молларни кисир қолдириш, чиқимга йўл қўйиш, маҳсулотни камайтириш нонисофлик эмасми? Роҳатини кўраман деган чорвадор заҳматидан қочмаслиги керак. Биз чинакам чорвадорлармиз, чиқим деган сўзни қаётдан бутунлай чиқариб ташлашимиз лозим. Ургочи моллар кисир қолаверса тўёқ сони кўпаядими? Бу ҳақда жиддий бош қотиришимиз керак. Халқимизнинг сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларга бўлган талаби қишин-ёзин ошяпти, кузбаҳорда ҳам кучайяпти. Шундай экан, қишда ҳам маҳсулотнинг камайишига йўл қўймаслигимиз, аксинча кўпайтирмоғимиз керак. Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси шартларида шундай дейиляпти.

Мен қиш қаттиқ келган 1969 йилда ҳам бирор бош қўй ёки қўзини чиқимга чиқармадим. Буни мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Ҳар ким астойдил ҳаракат қилса, шунга эришиши мумкин демоқчиман. Умуман кейинги ўн йилда чиқим деган сўзни билмадим. 1972—1973 қиш фаслини ҳам шундай ўтказаман. Мустаҳкам замин бўлганлиги учун шундай деяпман. Қўйхонамни боплаб ремонт қилдирдим. Ҳар бош қўйга икки центнердан дағал хашак, қирқ беш килограммдан концентрат тайёрладим. Омухта озуқадан бир қисмини эҳтиёт фондига ажратиб қўйдим. Чорвадорлар орасида «қўлдан берганга қўй тўймайди» деган мақол бор. Яйловларнинг энг серўт қисмини қиш фаслига ажратиб қўйдим. Ҳаво ёғинсиз ва илиқ келган кунларда, ҳатто тунларда ҳам қўй-қўзиларни шу яйловларда боқаман. Тараддуди яхши чорвадорга қишлов хавфли эмас. Лекин «қишни бир амал лаб ўтказарман», деган киши ўзини-ўзи алдайди, ер чизиб қолади. Шунга ҳушёр бўлиш керак.

Суратдаги учинчи киши — Крупская номли колхознинг бош чўпони Сайқал Чоршанбиевдир. У ҳам қўйчиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдаги хизматлари учун орден ва медаллар билан мукофотланган. Юбилей йилида 500 бош совлиқни боқяпти. Баҳорда ҳар 100 бош совлиқдан 180 тадан соғлом қўзи олди. 350 та қўзини ўстиришга сақлаб қолди. Бу кишининг бўрдоқичиликни йўлга қўйишдаги хизматлари айниқса диққатга сазовордир.

— Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси шартларида, — деди Сайқал ака суҳбатга қўшилиб, — бўрдоқи ва сўқим гўшти етиштиришни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилган. Бир кезларда териси суягига ёпишган қўйлар гўштга топширилганини биламиз. Оқибатда хўжаликлар зарар кўрди, чўпон-чўлиқлар шаънига қаттиқ сўзлар айтилди. Кейинчалик танқиддан хулоса чиқариб, ўртача семизликдаги қўйлар гўштга топширилди. Бу ҳам яхши самара бермади. Олинган даромад харажатни зўрға қоплади. Ҳар икки ҳолда ҳам туёқ сони камайиб кетди.

Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари рўй берган камчиликларни тугатиш чораларини кўрдилар, чорвадорларнинг масъулияти ва шахсий манфаатдорлигини оширдилар. Қарабсизки, давлатга юқори семизликдаги қўйлар топширила бошлади. Бундан хўжаликлар ҳам, чорвадорлар ҳам катта наф кўрди. Хўш, аввалги 20-22 килограммлик қўй эндиликда 40-42 килограммга етказилиб, гўштга жўнатилаётган экан, бу чегарами? Йўқ, чегара эмас. Яхши боқилса ўшандай қўйлар 55-60 килограмм, ҳатто ундан знёд тарози босиши мумкин. Ахир халқимизда «бир терига уч қўй сигади», деган мақол бор-ку.

Мен чорвадорлар мусобақасига қўшилдим. Қиш фаслида бирор бош қўй ёки қўзининг нобуд бўлишига йўл қўймайман. Отардан турли сабаблар билан ажратиб олинган қўйларнинг тирик вазнини камида 55 килограммга етказиб гўштга топшираман, сўнгра 60 килограммлик маррани кўзлаб иш тутаман.

Биз деҳқонободлик уч баҳодир чўпонинг қўйчиликни юксалтириш соҳасида эришган муваффақиятлари, улкан режалари ҳақида ҳикоя қилдик. Чорвадорлар макони аталмиш Деҳқонобод районида бундай яхши ниятли, маҳсулот мўл-кўллиги бунёдга келтириш учун курашаётган чорвадорлар жуда кўп, уларнинг сафи тобора кенгайяпти. Барча чорвадорлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиш орзусида пешана тери тўкиб меҳнат қиляпти. Уларга яхши ниятларининг рўёбга чиқишида тиламдошмиз.

М. НАЗАРОВ.

БУКА районидаги «Партия XX съезди» колхози механизаторлари сўнгги гектар майдонларни сифатли шудгордан чиқармоқдалар. Далаларда 12 та ҳайдов трактори бетиним ишлатиляпти. Илғор тракторчи, КПСС аъзоси Суюн Сатторов 200 гектардан знёд майдонни шудгорлади. Суратда: илғор тракторчи С. Сатторов.

Ж. Тўраев фотоси.

ЗАФАР сатрлари

НАРПАЙ. СССРнинг ярим асрлик олтин тўйига муносиб совға тайёрлаш учун курашаётган район чорвадорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлатга 5600 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, йиллик планни ошириб бажардилар. Бу, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 82 тонна кўпдир.

Р. РАҲИМОВ.

ФАРҒОНА. 300 тонна серқаймоқ сут тайёр! Район чорвадорлари давлат қабул пунктларига шунча миқдорда сут етказиб бериб маррага етдилар. Бузоқ олиш плани ҳам ошириб ado этилди.

Қ. ШОДМОНОВ.

ТУРАҚУРҒОН. 60 тонна гўшт, 6 минг килограмм жун, 45 минг дона тухум. Бу, «Ўзбекистон» колхози чорвадорларининг юбилейга тайёрлаган меҳнат армуғонидир.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ҚИЗИЛТЕПА. «Ёш ленинчи» колхози паррандабоқарлари бу йил пландаги 47 минг ўрнига 97300 дона тухум тайёрлаб, йиллик планни 207 процент бажаришди. Шунингдек, давлатга 775 килограмм товуқ гўшти топширилди. Йил охиригача яна 8 минг дона тухум топширишга ахд қилинди.

И. ҲАМРОЕВ.

ҚАМАШИ. «Фарғона» совхози коллективи давлатга 1502 центнер бўрдоқи гўшти топшириб, белгиланган планни қарийб икки ҳисса ошириб бажарди. Чорвадорлар тағин 160 центнер бўрдоқи гўшти топширишмоқчи.

М. ЭҲСОНОВ.

БЕРУНИЙ. «Правда» колхози паррандабоқарлари тухум тайёрлаш йиллик планини ошириб бажариб, яна 6 минг дона тухум етказиб беришга киришдилар.

Т. КАРИМБОЕВ.

РИШТОН. Моли тўқининг — кўнгли тўқ. Бунга амал қилган Навоий номли колхоз чорвадорлари 560 тонна дағал хашак, 1250 тонна силос, 660 тонна сенаж 400 тонна лавлаги тайёрлаб, озуқа базасини мустаҳкамладилар. Бу эса чорва молларни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқишга имкон беради.

А. АБДУРАИМОВ.

ҚАРШИ. «Пахтаобод» колхозида бу йил 6 та янги қўйхона, чўпонлар учун 2 та типовой уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Б. ЖАББОРОВ.

МЎЛ-КЎЛ ОЗУҚА

КАТТАҚУРҒОН, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Шаҳар ун-тегирмон комбинатининг аҳил коллективи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин бажарди. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа областларнинг чорвадор хўжаликларига ҳамда бўрдоқичилик базаларига 34,5 минг тоннадан знёдроқ омухта ем етказиб берилди. Корхонанинг илғор цехлари бу натта ютуқни қўлга киритишга алоҳида ҳисса қўшдилар. Чунончи, А. Аъзамов бошлиқ озуқа цехининг ишчилари комбинатда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар юбилей меҳнат вахтасида туриб ишлаб ойлик ва смена топшириқларини ҳар доим ошириб бажариб келмоқдалар.

— Чорвадорларимизга янада кўплаб омухта ем ишлаб чиқаришга ахд қилганмиз, — деди комбинат директори Д. Эшбеков. — Коллективимиз декабрь ойи мобайнида планга қўшимча равишда яна 3500 тонна омухта ем ишлаб чиқариш ва уни чорвадорларга етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

ПАРРАНДА-БОҚАРЛАР ТУҲФАСИ

ГУЛИСТОН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Гулистон наслли паррандачилик совхози коллективи СССРнинг 50 йиллик тўйи шарафига олинган социалистик мажбуриятини ошириб бажарди. Планга қўшимча 1 миллион дона тухум, 400 центнер парранда гўшти тайёрланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг чорва қишловини намунали ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан совхоз коллективи янги резерв ва имкониятларни қидирмоқда. Йил охиригача яна бир миллион дона тухум, 100 центнер парранда гўшти етказиб беришга ахд қилинди.

С. НУРОВ.

„САЁҲАТЧИ“ ҲУЖЖАТЛАР

Тошкент областининг Облиқ посёлкасида истиқомат қилувчи кўп болали она Санамой Шукурова бир жумбоқни ҳал қила олмай хуноб. Уша атрофда у учрашиб, арз-ҳол қилмаган идора қолмади ҳисоб. Лекин бирор натижа чиқмади. Шундан кейин онахон «Совет Ўзбекистони» газетасига мактуб билан мурожаат этди. Хат Оҳангарон район партия комитетига текшириш ва чора кўриш учун юборилди. Яқинда у ердан шу мазмунда жавоб келди.

Оҳангарон район матлубот жамиятига қарашли тайёрлов конторасининг директорининг С. Шукурованинг ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи район прокурорининг эътирози билан бекор қилинди ва у ўз ишига қайта тикланди. С. Шукуровани ҳақорат қилгани учун М. Фозиловани жавобгарликка тортиш ҳақидаги материаллар халқ судига юборилди.

Район матлубот жамияти правлениесининг раиси А. Иваньян ҳамда тайёрлов конторасининг директори Ражабовларга меҳнат қонуни ҳақидаги Кодексни бузишга йўл қўйиш мумкин эмаслиги кўрсатилди.

Эҳ, аттанг! Кошки шу гаплар рост бўлса?! Кўп болали она, оддий ишчи Санамой Шукурова бу гапни эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлади.

Ҳурматли газетхон, энди ижозатларингиз билан Санамойнинг латифаомиз саргузаштларидан бир шингил ҳикоя қилиб берайлик.

Облиқ посёлкасида Оҳангарон район матлубот жамияти тайёрлов конторасига қарашли пункт бор. Мирсиддиқ Фозилов унга мудир этиб тайинланган бўлса-да, аслида буйруқбозлик вазифасини рафиқаси Мадина Фозилова бажаради. Бекорчи бу аёл эртадан то кечгача шу ерда. Ишчи хотин-қизларни менсимай, ғозига нима тўғри келса гапираверади, ҳақорат қилади.

БИР ХАТ ИЗИДАН

Бирортаси гап қайтариб кўрсин-чи, Мадина оламни бошига кўтаради. Рихсинисо, Шамси, Қумри, Меҳри деган аёллар унинг ҳақоратидан безор бўлишди. Санамой Шукурова эса Мадинанинг илон пўст ташлагудек заҳар сўзларига тоқат қилиб ишлаб юрди.

Кунларнинг бирида пункт мудири Мирсиддиқ Фозилов С. Шукуровани кабинетига чақириб қолди:

— Мана бу актга қўл қўй.

— Қандай акт? — таажжубланди С. Шукурова

— Чириб кетган пиёзлар ҳақида...

— Бунақа пиёзни кўрганим йўқ, қандай қилиб қўл қўяман?

— Ҳали шунақами? Йўқол, ишдан бўшадинг!

Санамой Шукурова қуввонга учради. Бу ҳақда у бир неча марта тайёрлов конторасининг директори Абдумалик Ражабовга арз қилди. Лекин нажот ололмади.

...Ҳар йилнинг баҳорида 4-совхоз пиллачилари М. Фозилов бош бўлган пункт ишчиларидан кўмак сўраб, уларга боқиш учун қурт уруғи беришарди. 10 май куни тайёрлов конторасининг директори А. Ражабов С. Шукуровани чақиртириб қолди:

— Бу йил пиллани сиз тутасиз, — деди у.

С. Шукурова бир ярим қути пилла қуртини парвариш қила бошлади. Бир куни барг танқис бўлиб қолди. Фозиловнинг уйидаги тутни қирқиб едиришни унга айтишди. Санамой юраги бетламай ҳовлига кирди-ю, Мадинанинг ҳақорати остида қолди. Совхоз ишчилари уни жанжалкаш аёлнинг чангалидан аранг қутқариб олишди.

Шу жойнинг ўзида акт тузилиб, воқеадан хабардор бўлган кишилар унга қўл қўйди. Санамой ўша куни Ангрен шаҳар полициясида бўлиб, шикастланганлиги ҳақида ҳужжат олди.

Қисқаси, Фозилов ва Фозиловалар бир илож қилиб Санамойни ишдан қувишди. Муштипар она энди кимга арз қилсин? Унинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қиладиганлар топилмайди, дейсизми?!

Дастлаб С. Шукурова Оҳангарон район ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Қаршибоева ҳузурида бўлиб, ҳужжатларини унга топширди.

— Чора кўрамиз, — илиқ муомала билан кузатиб юборди Қаршибоева.

Орадан анча кун ўтди. Ҳужжатлар сувга ташланган тошдек жимиб кетди. Бундан ташвишланган Шукурова Оҳангарон район ижроия комитети раиси ўртоқ Умрзоқовга учрашди. Сўраб-суриштиришса, унинг ҳужжатлари ҳали ҳам Р. Қаршибоеванинг столи тортмасида чанг босиб ётган экан.

Ўртоқ Умрзоқов ҳужжатларни тайёрлов конторасининг директори А. Ражабовга топширди:

— Мана, ўзингиз ҳал қилинг.

С. Шукурова саккиз фарзандини уйда ёлғиз қолдириб, тайёрлов конторасининг директори А. Ражабов ҳузурига талай марта борди. Контора билан Облиқ ораси яқин бўлса ҳам кошки! Хуллас, Ражабовдан ҳам садо чиқмади. С. Шукурова ҳужжатларни Оҳангарон район прокурори орқали зўр-базўр қайтариб олди.

Кошки эди, прокурор И. Юсупов муштипар онага нажот қўлини узатса? Прокурор шу йилнинг 11 августида «саёҳатчи» ҳужжатларни қабул қилиб олди. Қўлдан-қўлга ўтавериб, «хорибчарчаган» қоғозлар 8 сентябргача бу ерда ётди. Кейин Ангрен шаҳар халқ судига юборилди. (Аниги прокурор И. Юсупов имзо қўйган йўлланма билан уларни С. Шукуровани ўзи олиб бориб берди).

«Қанотли» ҳужжатлар Ангрен шаҳар халқ суди раиси Т. Расулов қарамоғида 11 октябргача «хордиқ чиқаргач», арзимаган бир важ билан яна Шукурованинг қўлига қайтариб берилди.

Шукурованинг саргизашти мана шулардан иборат.

Энди бир ҳаққоний савол туғилади: Оҳангарон район партия комитетидаги ҳурматли ўртоқлар нималарга асосланиб редакцияга «илиқ» жавоб ёзиб юборишди экан? Меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига муносабат, наҳотки, шунақа бўлса?!

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Лекин меҳнаткашларнинг пул даромадлари улар оилалари учун зарур бўлган истеъмол буюмларига айланади. Шунинг учун ҳам партия ишлаб чиқаришни истеъмол буюмлари массасини кўпайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга, ассортиментларни ўзгартиришга қаратган ҳолда ривожлантиришни вазифа қилиб қўйди. Партия XXIV съезди аҳолини гўшт, сут, сабзавот, хўл мевалар билан янада кўпроқ таъминлашга алоҳида эътибор берди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг I ва II бўлинмалари ўртасидаги, ишлаб чиқариш, жамғарма ва истеъмол ўртасидаги, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги нисбатни аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

1929—1940 йилларда саноатда ишлаб чиқаришнинг йиллик ўртача суръатлари истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларидан 70 процент кўп эди. 1966—1970 йилларда бу фарқ атиги 2 процентни ташкил этди, холос. Тўқкизинчи беш йилликда эса истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан уч процент ошиб кетади.

Бундай ўзгаришлар халқ хўжалигини ривожлантиришда I бўлинманинг ролини асло камситмайди, албатта. Партиямиз томонидан биринчи навбатда социалистик саноатни ва аввало унинг асосий тармоғи бўлган оғир саноатни ривожлантириш йўли ўтказилаётганлиги тўғайли мамлакатимиз дунёда қудратли давлатга айлантирилди. Тўқкизинчи беш йилликда ҳам оғир саноат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг негизи бўлиб қолаверади.

Бу элементлар миқдорий жиҳатдан ифодаланмаса-да, лекин халқ фаровонлигини оширишда уларнинг роли каттадир. Бунга, биринчи навбатда, иссизликнинг тугатилганлиги ёрқин мисолдир.

В. И. Ленин ижтимоий хўжаликнинг барча тармоқларида ишлаб чиқаришнинг индустриал методларига ўтишни хўжаликни марказлашган тартибда юритиш асосида халқ турмуш даражасини муттасил ошириб боришнинг ягона йўлидир, деб таълим берган эди. Қўл меҳнатини автоматик ҳаракат қилувчи ва ўзи бошқариладиган машиналар билан алмаштиришнинг ўзи социалистик жамиятнинг асосий мақсади — ёппасига фаровонликка эришишга олиб келди.

Тарих шундан далолат беради, қўл техникасига асосланган ишлаб чиқариш фақат ҳукмрон синфларга мансуб бўлган бир гуруҳ кишиларгагина фаровон ҳаёт бахш этиши мумкин. Индустриал методнинг энг асосий афзаллиги шундаки, у меҳнат унумдорлигини мислсиз даражада оширади. Ҳар қандай машина, хусусан, машиналар системаси ишлаб чиқариш қувватининг имконияти жуда каттадир. Масалан, пахта йиғим-терими даврида қўлда кўп деганда 10-15 тонна пахта териш мумкин. Ҳосил машиналар ёрдамида териланда эса, унумдорлик 30-40 баравар ва ундан ҳам ошади.

Индустриал методда ишнинг муваффақияти ходимнинг ақлий қобилиятига, фаннинг ривожланишига ва унинг ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланишга боғлиқ.

Машина ишлаб чиқаришнинг иккинчи афзаллиги шундаки, уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳаражат қоплангач, кейинчалик табиат кучи сифатида текинга ишлай олади. Коммунизмда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришга батамом ўтилгач, кишиларнинг яшаш шароитини таъминлаш тамомила машиналар зиммасига юкланади.

В. И. Ленин электрлаштиришни индустриал ишлаб чиқаришга ўтиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб таълим берди. В. И. Лениннинг Коммунизм — бу Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демакдир, деган таърифи ҳаммамизга маълум. Бу жиҳатдан тўқкизинчи беш йилликда Совет Иттифоқининг ягона энергетика системасини вужудга келтириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар катта аҳамиятга эга. Бу улкан қурилиш билан бирга бошқа кўпгина йирик капитал иншоотлар ҳам бунёд этилмоқда. Бу бунёдкорлик ишларининг социал моҳияти шундаки, Совет Иттифоқининг бутун территорияси мамлакатимиздаги барча халқларнинг вакиллари елкамаелка меҳнат қилаётган, улар ўртасида совет бирлиги мустаҳкамланишига ва унинг вужудга келаётган ва мустаҳкамланаётган жуда катта қурилиш майдончасига айланмоқда.

Индустриал ишлаб чиқаришни вужудга келтириш ва унинг афзалликларидан фойдаланиш йўлида янги иқтисодий ислоҳот катта қадам бўлди. Янги иқтисодий ислоҳот хўжалик органлари фаолиятини ишлаб чиқариш ускуналаридан, хом ашё ва материаллардан, шунингдек, ишчи кучларидан комплекс фойдаланишга қодир бўлган тарзда ташкил этиш, планлаштириш ва бошқаришнинг янги методларини қидириб топишга қаратди. Бу ислоҳотнинг аҳамияти яна шундаки, у талаб билан таклифни тўғридан-тўғри уйғунлаштириб боришга олиб келади. Чунки, ҳозирги вақтда корхоналар ишининг асосий кўрсаткичи реализация қилинган маҳсулот ҳажмидан иборатдир.

Лениннча социалистик хўжалик юритиш асослари Ўрта Осиё Совет республикаларида тўла ва самарали қўлланилмоқда. Ўтган ярим аср мобайнида ўзбек деҳқонининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Агар революциядан илгари бир неча ярим қустар корхоналаргина мавжуд бўлган бўлса, эндиликда республикамиз қудратли индустрияси юздан ортиқ тармоққа ва 1200 йирик корхонага, жумладан тўла равишда механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган 180 корхонага эга.

Бир вақтлар асосий ишлаб чиқариш қуроли омоч ва кетмон бўлган қишлоқ хўжалигида айниқса мислсиз катта ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ хўжалигининг машиналар системаси барча қишлоқ хўжалик ишларини тез фурсатларда бажариш имконини яратмоқда.

Республикада қудратли ирригация иншоотлари, пахтачилик учун етарли миқдорда минерал ўғитлар ишлаб чиқараётган йирик химия заводлари барпо этилди.

Комплекс механизация, ҳозирги замон ирригацияси ва химиялаштириш шуғла олиб келдики, Ўзбекистон республикаси бир неча йиллардан буён умумиттифоқ мўлкўлчилик хазинасига йил сайин кўп «оқ олтин» етказиб бермоқда.

Ўзбекистонда экономика ва маданият соҳасида эришилган ютуқлар, шубҳасиз, унинг ягона, марказлашган план хўжалиги составига кирганлиги ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш методларини жорий этганлигининг натижасидир. Бу ҳол ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун кенг истиқбол очиб берди.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейига бутун прогрессив инсоннят ҳозирлик кўрмоқда. Зотан, В. И. Ленин ҳам революцион қайта ўзгаришларнинг буюк саналарини нишонлашнинг энг яхши йўли — халқнинг диққат-эътиборини ҳал қилинмаган вазифаларга қаратишдир, деб таълим берган эди. Ҳозирги вақтда бутун мамлакат миқёсида ана шундай вазифа — КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган улкан режаларни муваффақиятли амалга оширишдан иборат вазифа турибди.

В. И. Ленин Советларнинг IX съездида айтганидек, туб иқтисодий ўзгаришлар ясаш учун узоқ вақт керак. Ўтган 50 йил ичида республикамиз шундай улкан иқтисодий ютуқларга эришдики, капитализм шароитида бундай ютуқларга эришишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Ўрта асрчиликдан энг илғор цивилизацияга томон катта қадам ташлаган Ўзбекистон ўз сиёсий ва иқтисодий озодлиги учун интилаётган барча қорижий мамлакатлар халқларига машъалдек намуна бўлиб турибди.

А. МАМЕДОВ,
Иқтисод фанлари доктори.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 7 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида) учинчи устун—планнинг бажарилиш процанти.

НАМАНГАН	145,5	115,3
СИРДАРЁ	281,0	104,0
Тошкент	215,9	99,4
Андижон	168,2	96,1
Хоразм	8,5	71,7
Қашқадарё	92,9	69,6
ҚҚАССР	29,7	64,1
Фарғона	80,8	59,2
Самарқанд	86,4	36,0
Сурхондарё	22,4	16,1
Бухоро	22,2	12,3
Республика бўйича:	1153,6	68,8

АХБОРОТ

ЯНГИЛИКЛАР,

ХУШХАБАРЛАР,

ВОҚЕАЛАР

«Чирчиқ»—доҳий юртида

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилиб ўсган шаҳар Ульяновскда «Халқлар дўстлиги» боғи барпо этилмоқда. Ана шу катта боғ ҳиёбонларига Чирчиқда тайёрланган бетон плиталари тўшаладиган бўлди. «Оқ олтин» ўлкасининг навқирон шаҳридаги бетон конструкциялари ва қурилиш материаллари комбинатида тайёрланган 0,5х0,5 метрли бетон плиталар доҳий юртига жўнатилмоқда. Бетон плиталарни ишлашда Ғазалкент мармар тошлари майдасидан ҳам фойдаланилмоқда. Плиталарнинг юзига «Чирчиқ-72» деб ёзилиши маҳсулотнинг қаердан экаланини эслатиб туради. «Халқлар дўстлиги» боғига юборилган буюртмаларни бажаришда К. Тошменова, М. Карпова, А. Валиаҳметовалар бошқаларга намуна кўрсатишмоқда.

А. ПОРТНОЙ.

Механизация хосияти

Республика пойтахтидаги пахтачилик бўйича машиналар ишлаб чиқариш махсус конструкторлик бюросида СССРнинг 50 йиллик муборак тўйига муносиб совға хозирланди. Бу ерда «ЧК-1» маркали пилла тозалаш машинаси яратилди. Машинани вужудга келишида бош конструктор М. Курмаев бошчилигидаги ахил коллектив ғайрат кўрсатди. Энди янги техника-механизация хосияти билан соатига бир йўла 120-150 килограммдан ортиқ пилла тозаланадиган бўлди. «ЧК-1» машинаси яқинда кўплаб ишлаб чиқарила бошланади.

Р. МУРОДУЛЛАЕВ.

Автомашиналар «уйи»

Пойтахтимизнинг кўркам райони Чилонзорда яна бир ҳашаматли бино қад кўтарди. Ҳозирча автомашиналар уйи деб ном олган бу бинога мингдан зиёд енгил машина жойлаштириш мумкин. Бинони «Главташкентстрой»нинг 8-трестига қарашли биринчи монтаж бошқармаси бинокорлари бунёдга келтиришди. Охирги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилаётган улкан гаражнинг биринчи қаватида машиналарни ремонт қилиш ва созлаш ишлари олиб борилади. Бино СССРнинг 50 йиллик байрами кунигача фойдаланишга топширилади.

Қ. МАЛИКОВ.

Студентлар мамнун

Қорақалпоғистонлик бўлажак педагоглар мамнун. Т. Шевченко номидаги педагогика институти янги корпуслар ҳисобига кенгайди. Нукус микрорайонида «Қарақалпакирсовхозстрой» трести қурувчилари ёрдамида институтнинг янги бинолари қад кўтарди. Икки кўркам бинога табиат-география, жисмоний тарбия факультетлари кўчиб ўтди. Янги бинода ўқув хоналари, турли кабинетлар, лабораториялар ва спорт заллари мавжуд.

Б. АРХАРОВ.

Мангу хотира

Улуғ Ватан уруши йиллари норинкапалик йигитлардан 500 нафари Ватан ҳимоясига отланганлар. Ҳамқишлоқлар жангу жадалда қутлуғ қон тўккан марди-майдонлари билан фахрланишади. Яқинда Наманганда Норинкапа қишлоғи марказида Ватан ўғлонларига мангу хотира-ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорликнинг очилишига тўпланганлар 367 йигитнинг номи зарҳал ҳарфлар билан битилган мармар лавҳа билан танишдилар. Маросимда Улуғ Ватан уруши ветеранлари жанговар дўстлари номини ҳурмат билан тилга олдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бахтиёрлар маскани

Андижоннинг Навоий проспектидаги кўркамгина бино пештоқида «Бахт уйи» ёзуви пайдо бўлди. Йигит-қизлар ҳаётида бир мартагина ташриф бюрадиган бу қутлуғ маскан яқингинада фойдаланишга топширилди. «Бахт уйи»нинг биринчи қаватидан турли эсдалик буюмлари, гуллар ва бошқа турли совғалар олиш мумкин. Юқори қаватдаги кат-та-ничик залларда, зиёфат хонасида катта тўй тантанасининг дебочасини бошлаш мумкин. Бахтиёрлар маскани биринчи кунидёқ 20 дан кўпроқ ёшларнинг никоҳи қайд қилинди.

Н. ИНОҚОВ.

* * *

Шунингдек, Наманган областидан О. Мусаев, А. Йўлдошев, Андижон областидан М. Туманов, С. Виборнов, қўқонлик Н. Поччабоев, Бухоро областидан А. Раҳмонов, Сурхондарё областидан Г. Бекназаров, Хоразм областидан Р. Урозов, қорақалпоғистонлик Б. Эгамбердиев, Т. Сейтжамолов, москвалик В. Беленьков, тошкентлик А. Нечепуренко, А. Қосимжонов, Самарқанд областидан А. Каттабеков, гулистонлик Э. Рўзибоев ва бошқалар ҳам хушхабарлар йўллашган.

Планетамиз ХАБАРЛАРИ

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ПАРИЖ. 6 декабрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ Озодлик қуролли кучларининг бўлинмалари жанговар ташаббусни ўз қўлларида маҳкам сақлаб, барча секторларда душман қўшинларига зарба беришни давом эттирмоқдалар. Ватанпарварлар ўтган куннинг ўзидагина қўғирчоқ қўшинларнинг позицияларига 80 дан кўпроқ ҳужум уюштирдилар.

Жанубий Вьетнам пойтахтидан бир неча километр нарида жойлашган энг йирик Таншоннят авиабазасига бугун ракета ёғдирилди ва қаттиқ тўпга тутилди. АҚШ 7-ҳарбий ҳаво армиясининг штаби ана шу базада жойлашган. Ҳинди-Хитой халқларига қарши ҳаво урушига ана шу ердан туриб «раҳбарлик қилинади». Озодлик кучларининг бу ҳужуми бир соатдан кўпроқ давом этди. Америка ва Жанубий Вьетнам ҳарбий хизматчиларидан 50 га яқин киши ўлдирилди ва ярадор қилинди, бир неча самолёт ва вертолёт шикастлантирилди, ёқилғи ва ўқ-дори сақланган омборлар портлатилди.

Сайгон қўшинларининг бош штаби жойлашган бино яқинида бир неча ракета портлади. Пойтахтда фавқулодда ҳолат жорий этилди. Ҳарбийлар ва полициячиларнинг кучайтирилган наряд-лари кўчаларда соқчилик қилиб юришибди.

Пойтахтдан 64 километр шарқи-шимолда жойлашган Ксюанлок шаҳрида ва Сайгондан 100 километр чамаси шарқи-жанубда жойлашган Лонгхань шаҳрида ва бошқа жойларда қўғирчоқ қўшинларининг позицияларига ҳам ракета отилди.

Марказий ясси тоғликда ва ўруш харакатларининг шимолий сектори бўлган Куангчи вилоятида қаттиқ жанглар давом этмоқда. Ватанпарварларнинг артиллерияси Куангчи шаҳридан 2 километр чамаси шимолроқда Сайгон қўшинларининг позицияларини тўпга тутди. Озодлик кучлари Марказий ясси тоғликдаги Плейку вилоятида душманнинг қамал қилинган Тханьги ҳарбий базаси атрофидаги ҳалқани қисиб қўймоқда. Кюэшон атрофида, шунингдек Дананг теварагида ҳам қаттиқ жанглар бўлмоқда.

Авиация Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларини бомбардимон қилишни кучайтирмоқда. «В-52» типидаги оғир бомбардимончи самолётларнинг ўзигина ўтган кун давомида қарийб 20 марта ҳужум қилди. Бу ҳужумларнинг ярмига яқини шимолий секторга тўғри келади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПРАГА. Бу ерда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган совет ва чех тасвирий санъати асарлари виставкаси очилди. Виставкани Прага миллий галереяси ташкил этди.

◆ ИСЛОМОБОД. Бу ерда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган фотовиставка очилди. Чиройли қилиб безатилган стендлар жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг экономика ва маданият соҳасида эришган энг салмоқли ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилади.

◆ ЛОНДОН. Британия ҳарбий патрули Белфастнинг католиклар яшайдиган районида шикастланган иморатни ремонт қилаётган ирландиялик икки кишини отиб ташлади. Шу ишчилардан бири 30 яшар Уильям Белл ўлдирилди. Унинг ўртоғи оғир ҳолатда касалхонага жўнатилди.

◆ ЛОНДОН. Британия оролларида бўлиб ўтган кучли довул катта модций зарар етказди. Дастлабки маълумотларга қараганда олти киши ҳалок бўлган. Шотландиянинг баъзи районлари айниқса кўп шикастланди.

(ТАСС).

ЯНГИ СОЛИҚ

ЛОНДОН. 6 декабрь. (ТАСС). Умум палатасидаги консерваторлардан иборат кўпчилик савдо-сотиқ ва хизмат доирасида «янги солиқ» жорий этишни маъқуллади. Бунинг натижасида нарх-навонинг тахминан 10 процент оширилиши кутилади.

Лейборист Денис Хили янги солиқнинг жорий этилиши Англияда қимматчиликни янада кучайтиради ва бундан айниқса аҳолининг энг камбағал табақалари зарар кўради, деди.

ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР

ВАШИНГТОН, 6 декабрь. (ТАСС). Мамлакатда осмонда қароқчилик ҳодисалари тез-тез учраб турганлигидан ташвишланаётган АҚШ ҳукумати самолётларнинг эўрлаб олиб кетилишига қарши шошилинч чоралар кўрмоқда. Транспорт министри Ж. Волпе пассажирларни самолётга ўтказишдан олдин текшириб чиқишда янги тартиб ўрнатиш ҳақида буйруқ берди. Билетларни рўйхатга олиш ва самолётга ўтказиш вақтида махсус қуролланган агентлар қатнашади. Барча пассажирлар электрон назоратдан ўтишади. Қўлдаги нарсалар текшириб кўрилади. Электр асбоблар ўрнатилганлиги ва қуролли агентлар ишга олинганлиги муносабати билан авиа билет нархи ўз-ўзидан оширилади.

ВДР. Вьетнам осмони қўриқчилари душманнинг юзлаб самолётларини уриб туширдилар ва шикастлантирдилар. Юқоридаги суратда: жанговар тревога берилди, ракета нишонга шайланяпти.

ВИА — ТАСС фотоси.

Японияннинг тинчлисевар кучлари Сагамихарда АҚШ ҳарбий базасининг қайта тикланишига қарши норозилик билдирмоқдалар. Мажақланган танклар шу базада ремонт қилиниб, Жанубий Вьетнамга ташланаётир. Чапдаги суратда: полиция намойишчиларни ҳайдаб юбормоқда.

Жапан Пресс — ТАСС фотоси.

БУГУН—ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КУНИ

ИРЛАНД ОИЛАСИНИНГ ТАҚДИРИ

Андерсостауннинг ҳаёти Белфастдаги католиклар яшайдиган бошқа даҳалар ҳаётидан фарқ қилмайди. Тор кўчалардан кеча-ю кундуз броневиклар ўтиб туради, деворлар ёнида инглиз солдатларининг соқчилари писиб ётади, қўлбола бомбалар портлаши ва ўқ товушлари тез-тез эшитилиб туради. Милтиқ қўндоқлари маҳаллий аҳоли эшигини ҳар дақиқада ларзага келтириши мумкин. Шундан кейин дераза синган, бақириқ-чақириқлар эшитилади, демак — яна тинтувга келишган бўлади.

Иморатларнинг деворларида ўқ ва осколка излари кўзга ташланади. Эшик ва деразалари ўрнига гишт қалаб қўйилган айрим уйларда яшовчи кишилар ё кўчиб кетишга мажбур бўлишган ёки халок бўлган. Баланд иморатлар остонасида ва уйларнинг томларида қум тўлдирилган кўпдан-кўп қопларни учратасиз. Улар инглиз солдатларининг кузатув жойлари ёки ўт очиш нуқталаридир.

Утган йил 9 августдан бери Шимолий Ирландияда ватанпарварларни судсиз ва терговсиз жазолаш имконини маъмурларга бериб қўйган қонунга амал қилинмоқда. Ишчилар яшайдиган маҳаллаларга инглиз армиясининг қисмлари киритилган пайтдан бери тинтувлар ва қамоқка олишлар тўхтовсиз давом этмоқда. Мустамлака тартибларининг мингдан ортик смесий муҳолифлари турмаларга ва қамоқ лагерларига ташланди.

Бельфаст кўчаларидан бири — Набег паркда тўрт боланинг онаси Маргарет Хили онласи яшайди.

Унинг 14 яшар ўғли Десмонд оккупациячи қўшинлар дастидан қочиб, бошқа районлардан нажот тилаб келган қочқинларни жойлаштиришга ёрдам бериш учун уйидан кўчага чиқди. Орадан бир соат ўтгач, унинг жасадини топиб олишди. Десмондни парашют-десант полкининг солдатлари ўлдиришди. Бу бола қўлида бир шиша помидор шарбатини ушлаганича жон берди. Англия армиясининг ахборот бюроси: «Десмонд Хили Британия қўшинларининг солдатларига бомба ташлаганларнинг бири эди», деб хабар қилди.

Маргаретнинг эри баҳорда юраги ёрилиб вафот этди. У ўғлининг ҳалокати аламига чидай олмади. Уша пайтдан бери Маргарет иш топа олмай сарсон бўлиб юрибди. Десмоннинг эгизак укаси Эдвард мактабни ташлаб, рўзғорга ёрдам бериш учун юк ташувчи бўлиб ишламоқда. Икки ёш бола доимо уйда ўтиришади, чунки кўчага чиқиш хатарли.

Англия армиясининг соқчилари Маргаретга кеча-ю кундуз тинчлик беришмаяпти. Унинг уйини тинтув қилиб, полининг тахталарини кўчириб, мебелларини синдириб ташламоқдалар. Эдвардни неча марталаб ушлаб олиб, дўппослаб уришди, ярим кечагача сўроқ қилишди. Кунлардан бирида уни уйи ёнида тўхтатиб, калтаклай бошладилар. Маргарет кўчага чопиб чиқиб, ўғлига ёрдам бермоқчи бўлди. Солдат таёқ билан уриб, унинг қўлини синдирди.

Ноябрь ойининг бошларида Маргарет Хили кечқурун меҳмондан уйига қайтиб келди. Унинг уйига уч киши кириб олган экан. Улар катта ўғлинг қаердалигини айт деб талаб қила бошладилар. Манфур келгиндилар, агар саволларимизга жавоб бермасанг, сени аёвсиз қийнаймиз, деб дўқ қилдилар. Улар ўз мақсадларига эриша олмагач, Маргаретнинг соғ қўлига сут шишасининг парчаси билан протестант экстеримистларнинг террорчи ташкилоти — «Ольстерни мудофаа қилиш уюшмаси»нинг бош ҳарфларини ўйиб ёзиб кетдилар.

Лондон пропагандасининг гапига қараганда, «қонунчилик ва тартибни сақлаш лозим бўлган» Англия армиясининг патруллари шу кечаси нима учундир йўқ эди.

Маргарет Хилининг тақдири — Белфастнинг ва Англия сўнгги мустамлакаларидан бири — Шимолий Ирландиядаги бошқа шаҳарларнинг католиклар истиқомат қиладиган даҳаларида яшовчи минг-минглаб оилаларнинг тақдиридир.

Ю. УСТИМЕНКО,
(ТАСС).

АҚШ—ИРҚЧИЛАРНИНГ КЎМАКЧИСИ

ЛОНДОН. 6 декабрь. (ТАСС). Америкадаги «Африка ишлари билан шуғулланувчи Вашингтон комитети». Жанубий Африка Республикасига қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти чиқарган қарорни АҚШ ҳукумати бузаётир, деб уни айблади. Иоганнесбургдаги «Ранд дейли мейл» газетасида босилган хабарда айтилишича, апартеидга қарши кураш олиб бораётган шу ташкилотнинг эълон қилган баёнотида Америка ҳукумати ирқчи Претория режимига ҳарбий ёрдам бераётганлигини кўрсатувчи аниқ фактлар келтирилган.

Жумладан, баёнотда бундай дейилади: «АҚШ Жанубий Африка Республикасига гербицидлар, шу жумладан Вьетнамдаги урушда ишлатилаётган ва Америка ҳукуматининг ўзи жанговар воситалар қаторига қўшиб қўйган химиявий моддалардан иборат гербицид турларини ҳам сотмоқда». Шу йил июнь ойида дейилади мазкур ҳужжатда, Жанубий Африка авиациясидан Ангола ва Мозамбик территориясига гербицидлар сочиш учун фойдаланилди. Бунинг учун Жанубий Африка Республикасидан олинган химиявий моддалар қўлланилди.

Баёнотда Жанубий Африка Республикасининг ирқчи режимига ва апартеид режимига қарши қатъий чоралар кўриш талаб қилинди.

«МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ»МИ, БЎҲТОН ЭРКИНЛИГИ?

ЛУҚМА

Сальвадорда чиқадиган йирик буржуа газеталари «Пренса графика» ва «Диарио де ой»нинг таъкидлашича, Лотин Америкаси мамлакатларидан фақат Сальвадордагина «абсолют матбуот эркинлиги» мавжуд эмиш. «Абсолют эркинлик» нима дегани ўзи?

Шу нарса ҳаммага яхши маълумки, ҳукмрон ҳарбий хунта мамлакатга «коммунизмнинг кириб келишига қарши» кураш баҳонаси билан армияга Миллий университетни эгаллашни буюрган эди. Кўпгина ўқитувчилар, шу жумладан ректор ҳам мамлакатдан қувғин қилинди, ўнлаб студентлар қамоққа олинди. Қитъадаги бутун жамоатчиликни тўлқинлантириб юборган бу воқеага «эркин» деб аталмиш матбуот қандай муносабатда бўлди? У демократияни ҳимоя қилдими? Асло! Буржуа газеталари ҳатто Сальвадор бирлашган касаба союзлари федерацияси, студентлар ва мактаблар ташкилотининг ҳамкорлигидаги норозилик баёнотини эълон қилишдан ҳам бош тортдилар.

Ана шу газеталардан бири — «Пренса графика» тўғридан тўғри ватанпарварларга ҳужум қила бошлади. Бу газета мамлакатнинг тараққийпарвар кучлари шаънига доғ тушириш учун ошкора бўҳтон йўлига ўтиб олди. Масалан, «Пренса графика» газетаси университет территориясидан топилган қандайдир «каттагина портлатувчи моддалар омбори»ҳақида уйдирма хабарларни тўқиб чиқди ва «кишиларнинг ўғирланишида ҳамда банкларга бостириб кириш»да студентлар айбдордир, деб эълон қилди.

Бу бўҳтонлар газета учун ҳукмрон доиралар амалга ошираётган тадбирларнинг бутун масъулиятини «қизиллар» гарданига юклаш учун керак эди. Ана шу тариқа Сальвадорнинг буржуа газеталари «матбуот эркинлиги» деганда мамлакатнинг ўзидаги ва бутун Лотин Америкасидаги демократик кучларга қарши бўҳтон қилиш эркинлигини тушунмоқдалар.

Сальвадорнинг чинакам демократик матбуотига келганда шуни айтиш керакки, у ҳарбий ҳукумат томонидан қатъий таъқиб остига олинмоқда. Компартиянинг ҳафталик газетаси «Трибуна популар» кўп йиллардан буён яширин ҳолда чиқарилаётир. Унинг директори Хорхе Арнас Гомес яқинда ҳибсга олиниб, турмага ташланди.

Сальвадордаги «абсолют матбуот эркинлиги» ана шунақа!

А. САПИРКИН,
(АПН).

ЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

ДЕҲЛИ. 6 декабрь. (ТАСС). Экономика масалалари билан шуғулланувчи журналистларнинг кеча бу ерда халқаро семинари очилди. Бу семинар «Иқтисодий ривожланиш ва социал адолат» деган шиор остида ўтмоқда.

Ҳиндистон молия министри Я. Б. Чаван семинарда сўзга чиқиб айтдики, семинар мавзуининг ўзи «ривожланаётган мамлакатлар олдида, шу жумладан Ҳиндистон олдида 70-йилларда турган муҳим вазифани жуда аниқ белгилаб беради. Шу мамлакатларнинг эркин демократик давлатлар сифатида яшаши мазкур вазифанинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ».

Ҳиндистон планлаштириш министри Д. П. Дхар ҳам семинар қатнашчиларига мурожаат қилиб нутқ сўзлади.

Ҳиндистон журналистларининг ташаббуси билан ташкил этилган бу семинар ишида турли мамлакатлардан, шу жумладан СССР, АҚШ, Болгария, Канада, Югославия, Бангладешдан 200 вакил қатнашмоқда.

(«Совет Узбекистони»нинг навбатдаги сони 10 декабрда чиқади).

Редактор ўринбосари
Ҳ. ЁДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Истиқбол ғалаби. 18.40 — Сирдарё ГРЭСи қурилиши кундалиги. 18.50 — Ахборот. 19.10 — Ўн минут музика. 19.20 — Ахборот. 19.40 — Ўзбекистон халқ шоири Уйғунниинг ижодий портрети. 21.30 — МОСКВА. «Вақт». 22.00 — Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи. **Грузия ССР.** 24.00 — Спорт кундалиги. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 12.00 — **Тилла тиш** (бадиий фильм). 17.20 — МОСКВА. 17.25 — Янгиликлар. 17.30 — Ватанимиз флоти. 18.30 — Фан қишлоқ хўжалигига. 19.00 — Бадиий гимнастика. 19.30 — Фотоҳаваскорлар учун кўрсатув. 20.00 — **Ромео ва Жульетта** (фильм-концерт). 20.20 — **Асаблар, асаблар** (бадиий фильм). 21.20 — ТОШКЕНТ. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Совет артистлари ижросида классик куйлар. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — **Матонатли кишилар** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/XII да **Корсар**, 9/XII да **Севилья сартароши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/XII да **Фарғона тонг отгунча**, 9/XII да **Хотинимнинг эри.**

КИНО

Нюрнанинг ҳаёти — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Дил иқрори — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Капалак ранги — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12 ва кеч 8.45 минутда).

Петербург билан видолашув — ҲАМЗА номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Арена — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тунги патруль — «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 3 кеч 7 ва 9 да).

Даурия — «ДРУЖБА» (кундуз соат 11, 2,10 минут, 5 ва кеч 8 да).

Музиканинг синглиси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Узбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1973 ўқув йилига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти савдо корхоналари учун озиқ-овқат ва саноат моллари бўйича кичик сотувчилар ва сотувчилар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — бир йил.

Билим юртига ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли, 20 ёшгача бўлган ва соғлиғи бўйича савдо корхоналарида ишлашга яроқли йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Билим юртида ўрта мактабни битириб келганлар учун алоҳида группалар тузилади.

Билим юртига кирувчи ёшлар маҳаллий савдо корхона ва ташкилотларидан йўлланма олишлари керак.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган ариза-га қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширадилар: маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), турар-жойидан справка, мактабдан характеристика, 286-форма бўйича соғлиғи ҳақидаги справка, 3х4 см. размердаги учта фотосурат, савдо ташкилотларидан йўлланма.

Ўқувчилар 26 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Аризалар 1972 йил 20 декабргача қабул қилинади.

Ўқиш 2 январдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент-86, «Оқ-тепа» массиви, Самарқанд — Дарбоза кўчаси, 60-уй.

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
(2-Виборг кўчаси, 5-уй)
Институтни тамомлаган талабаларни
ИНСТИТУТНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
ЮБИЛЕЙ УЧРАШУВИГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Учрашув 15 декабрь кундуз соат 2 да ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!
Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги ишчилар таъминоти бошқармасининг
3-ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БЎЛИМИ
(Сурхондарё область, Шеробод районида)
ТУГАТИЛАДИ
Ҳамма даъволар — 20 декабргача қабул қилинади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б. — 287. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 03874.